

Мусулмоннинг қонини тўкиш ҳаром



07:10 / 18.07.2019 2415

Шузабдан ривоят қилинади: «Умар ибн Абдулазиз Ироқдаги баъзи ишларга Солиҳ ибн Абдурраҳмон ва унинг бир шеригини волий қилиб тайинлаган эди. Бир куни иккови Умар ибн Абдулазизга одамлардан шикоят қилиб, «Уларни қилич ишлатмай ислоҳ қилиб бўлмаяпти», деб мактуб ёзишди. Умар ибн Абдулазиз уларга жавобан: «Сен икки аҳмоқлар, мусулмонларнинг қонини тўкишни сўраяпсанларми? Мен учун битта мусулмоннинг қони тўкилгандан кўра икковининг қонинг тўкилгани енгилроқ», деб ёзди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан